

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Самарқанд Давлат  
университети ректори  
\_\_\_\_\_ Р.И.Халмурадов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**“МАЪҚУЛЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги ОАК раиси,  
\_\_\_\_\_ А.Т.Юсупов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**09.00.01 – ОНТОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ ВА МАНТИҚ  
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА КИРИШ ИМТИХОНИ  
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси  
Раёсатинг 2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли қарори билан  
тасдиқланган

**Тузувчи:** фалсафа фанлари доктори, проф. Ш.С.Қўшоқов  
фалсафа фанлари доктори, проф. Б.О.Тўраев  
фалсафа фанлари доктори, проф. Ж.Я.Яхшиликков

**Такризчилар:** фалсафа фанлари доктори, проф. Б.Р.Каримов  
фалсафа фанлари доктори, проф. А.К.Бердимуродова

## КИРИШ

Мустақиллик мамлакатимизда илм-фан тараққиёти учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга фаол муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга"<sup>1</sup>.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам - медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур ҳулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор"<sup>2</sup>. Шундагина инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг қомил фазилятларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

Фалсафа фани барча замонларда ва мамлакатларда ҳамма университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ўрганиш учун мажбурий саналган фундаментал фанлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда

Мазкур фаннинг моҳиятини ўрганишимиз жараёнида, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўзини қуршаган дунёни ва ўз-ўзини англаб етишида қандай роль ўйнашини тушуна бошлаймиз. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади"<sup>3</sup>. "Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим"<sup>4</sup>.

Шу боис фалсафага яхлит муносабатни унда кўтарилган масалаларнинг теранроқ ва тўлиқроқ талқинини мазкур дастур мазмунида ифодалашга ҳаракат қилинди.

Мазкур дастурнинг биринчи бўлимида фалсафанинг моҳияти, ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналиши ҳақидаги масалаларга эътибор қаратилган. Иккинчи бўлимда - борлиқ фалсафаси, фалсафада субстанция ва материя муаммоси, ҳаракат ва ривожланиш, фазо ва вақт, табиат фалсафаси ва инсон борлиғи муаммолари ўрин олган. Учинчи бўлимда ривожланиш масалалари ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт, фалсафа қонун ва категорияларининг энг умумий жиҳатларини ёритиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Тўртинчи бўлим билиш фалсафаси, ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари, фалсафада ҳақиқат муаммоси, назария ва амалиётнинг бирлиги, метод

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б.113.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч биддириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият – Т.: Ўзбекистон. 2006. Б. 117.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б.83.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият – Т.: Ўзбекистон, 2006. Б.118.

ва методология, ахборотлашувнинг фалсафий асослари, тушуниш ва тушунтириш каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Бешинчи бўлимда ижтимоий фалсафанинг муҳим муаммолари – жамият фалсафаси, тарих фалсафаси, фалсафий антропология, фаолият фалсафаси, ижтимоий прогнозлаштириш ва глобаллашувнинг фалсафий масалалари ёритилди.

Олтинчи ва еттинчи бўлим бевосита ёш докторантларнинг профессионаллашуви билан боғлиқ масалалар хусусан фан фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ва илмий тадқиқотни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларнинг ёртилишига қаратилган.

Саккизинчи бўлим фанининг асосий тушунчалари ва тамойиллари билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, мантиқ илмининг ривожланиш босқичларига оид масалаларни қамраб олади.

Дастурда фалсафий муаммоларга янги фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашилди, назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**Дастурнинг мақсади** – замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда ўз-ўзини англаш ва тўғри фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Дастурнинг вазифалари:**

- фалсафий билимлар, қонунлар ва категорияларни ўрганиш орқали ҳаётда ўз ўрнини топиш;
- ўзининг энг олий мақсадига эришиш йўлида мақсадли фаолият олиб бориш;
- жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;
- ўз-ўзини маънавий ахлоқий тарбиялаш;
- жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш хиссини тарбиялаш.

## 1-БЎЛИМ

### ФАЛСАФАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА МУАММОЛАРИ

Фалсафа фанининг келиб чиқиши. Фалсафа шаклланишининг асосий боскичлари. Дунёни фалсафий идрок этишининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафанинг предмети ва унинг ўзгарувчан характери. Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани сиёсийлаштиришнинг оқибатлари. Фалсафада шубҳанинг ўрни. Фалсафанинг функциялари. Фалсафанинг жамиятдаги роли ёки амалий фалсафа. Фалсафанинг ижодий ва дунёвий характери.

Фалсафа маданиятлар тизимида. Фалсафа ва санъатнинг ўзаро алоқаси ва фарқи. Бадиий асарнинг фалсафий моҳияти. Обьектив реалликнинг бадиий образлардаги ифодаси. Фалсафа ва диннинг ўзаро алоқаси ва фарқи. Диний билимнинг ўзига хос хусусиятлари. Тафаккур маданияти ва фалсафий тафаккур маданияти ҳақида.

## 2-БЎЛИМ

### БОРЛИҚ ВА РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ФАН

Борлиқ фалсафасининг предмети. Онтология тушунчаси. Борлиқ категорияси. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ масаласида фалсафа ва дин синтези. Ноклассик фалсафада борлиқ муаммоси. Борлиқ ва мавжудлик. Борлиқ тушунчасининг этимологияси. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Борлиқнинг шакллари: табиат борлиғини фалсафий тушуниш. Инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари. Маънавий борлиқ: индивидуаллаштирилган ва объективлаштирилган борлиқ. Ижтимоий борлиқ. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Ер тарихи. Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Бирламчи ва иккиламчи табиатнинг ўзаро муштараклиги. Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм. Жонли нарсанинг жонсиз нарсага боғлиқлиги. Жонли нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Субстанция муаммоси. Субстанция ва субстрат тушунчаси. Субстанция ва акциденция. Фалсафа тарихида субстанцияга монистик, дуалистик, плюралистик ёндашувлар. Материалистик ва идеалистик монизм. Материя тушунчаси ва унинг функциялари. Материянинг ташкил топиш даражалари: микро-макро-мега оламининг тавсифи.

Дунёнинг фазо ва вақтдаги чексизлиги. Интенсив ва экстенсив, актуал ва потенциал чексизлик. И.Кантнинг космологик антиномиялари ва уларнинг ҳозирги талқини. Оламнинг чексизлиги ғоясининг фалсафий асослари. Релятивистик космологияда оламнинг чексизлиги муаммоси. Оламнинг космологик моделлари. Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар. Кенгаювчи олам гипотезияси.

Фазо ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари. Фазо ва вақтнинг субстанциал, реляцион, динамик ва статистик концепциялари. Борлиқнинг турли даражаларидаги (жонсиз ва жонли табиатда, жамиятда) фазо ва вақтнинг ўзига хос хусусиятлари. Микродунё, макродунё ва мегадунёда фазо ва вақт. Фазо ва вақтнинг метрик ва топологик хусусиятлари.

Фалсафа тарихи ва табиатшуносликда фазо ва вақтга нисбатан ёндашувларнинг ривожланиши. Ижтимоий фазо ва ижтимоий вақт. Тарих вақти ижтимоий вақтнинг олий даражаси. Даврнинг руҳи ва ижтимоий вақт уйғунлиги.

Ҳаракат тушунчаси. Материя ва ҳаракат бирлиги. Қадимги дунё фалсафаси ҳаракат ва сокинлик ҳақида. Гераклитнинг абадий ҳаракат ва ривожланиш ғоялари. Платон, Аристотель ва Ибн Синонинг ҳаракат мавжудлиги ҳақидаги ғоялари. Зеноннинг ҳаракатни инкор этувчи апориялари.

“Материя ҳаракатининг шакли” тушунчаси. Материя ҳаракати шакллари классификацияси. Материя ҳаракат шакллариининг сифатий хусусиятлари ва ўзаро алоқаси. Ҳаракатнинг маънавий шакли ҳақида. Онг – маънавий ҳаракат шакли сифатида.

Табиат тушунчаси. Табиат тушунчасининг кенг ва тор маъноси. Фалсафа тарихида

табиатга муносабат. Географик муҳит ва географик муҳит предметлари тушунчаси. Географик мактаблар. Географик детерминизм, ижтимоий детерминизм, геосиёсат. Табиий қонунлар концепцияси. Экологик онг ва инвайроментализм тушунчаси.

Биосферанинг ривожланиши ҳақида. Инсон биосфера ривожланишининг зарурий босқичи. Экодинамикани глобал, митақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантириш. Экодинамиканинг айрим усуллари. Сунъий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳўжалик фаолияти. Ген инженерияси ва унинг ижтимоий маънавий оқибатлари.

Ноосфера – инсоният геологик куч сифатида. Ноосфера – дунё ва коинот ривожланишидаги эволюцион сакраш. Уни англашда гуманизмга асосланган илмий тафаккурнинг аҳамияти.

### **ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ**

Ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратишнинг зарурлиги. Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари: стихияли диалектика; идеалистик диалектика; материалистик диалектика; классик диалектика; объектив ва субъектив диалектика; ноклассик диалектика. Диалектика ва метафизика. Метафизика – оламни фалсафий англаш таълимоти.

Диалектиканинг асосий тамойиллари: оламнинг бирлиги (яхлитлиги), умумий алоқадорликлар, каузаллик (сабабият), ривожланиш тамойиллари.

Нарса тушунчасининг мазмуни. Нарса – ўзини бошқа нарса билан боғловчи улар билан ўзаро таъсирга киришиш имконини берувчи хоссаларнинг яхлит мажмуи. Алоқа тушунчасининг моҳияти. Диалектика категориялари борлиқнинг унверсал алоқаларини билиш шакли сифатида. Алоқалар таснифи бир томонлама ва ўзаро алоқалар, тўғри ва эгри алоқалар, бевосита ва билвосита алоқалар, ички ва ташқи алоқалар. Ҳажм жиҳатидан умумий, алоҳида ва хусусий алоқалар. Мазмун жиҳатидан генетик, фукционал, структуравий, энергетик, моддий ва информацион алоқалар. Ички, зарурий, муҳим, барқарор, такрорланувчи алоқалар. Ўзаро алоқа. Ўзаро алоқани тушуниш – умуман объектни тушуниш сифатида.

Алоқа учун асос, муносабат ва ўзаро таъсир тушунчалари. Алоқанинг объективлиги, алоқанинг муҳимлиги, алоқанинг зарурийлиги алоқанинг барқарорлиги, алоқанинг умумийлиги, алоқанинг нисбийлиги. Каузаллик – сабабият, сабабий боғлиқлик ифодаси. Сабабсиз нарса бўлмаслиги. Ҳар қандай сабаб оқибатни вужудга келтириши.

### **БОРЛИҚНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ МУАММОСИ**

Барқарорлик ва беқарорлик тушунчалари. Ўзгарувчанлик ва турғунлик, ўзгарувчанлик ва ҳаракат, ўзгармаслик ва барқарорлик (сақланиш, сокинлик, турғунлик, мувозанат) тушунчалари. Фалсафа тарихида борлиқнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси.

Ҳозирги замон фанида борлиқнинг беқарорлиги ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши. Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикаси.

Дунёнинг фалсафий манзарасида барқарорлик. Барқарорлик ва беқарорлик ижтимоий маданий жараёнлар омиллари. “Маданиятлар мулоқоти”. Ахборот – материянинг жони, унинг фаол томони. Ижтимоий барқарорлик шароитида ижод ва тараққиёт.

### **РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНЛАРИ ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ**

Қонун тушунчасининг мазмуни. Қонун – тизимининг элементлари ўртасидаги умумий, такрорланувчан, зарурий, барқарор ва инвариант алоқа.

Қонуннинг таърифи. Воқелик қонунлари. Фан қонунлари. Фалсафа қонунлари. Қонуннинг амал қилиш шароитлари. Базис қонунлар ва локал қонунлар. Қонуниятлар – бу қонуннинг намоён бўлиш шарты.

Қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши қонуни – ривожланишнинг манбаи ҳақидаги қонун. Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракат (кураш)га доир муносабати.

Зиддиятлар диалетикаси. Зиддиятларнинг турлари. Асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар. Айният ва тафовут.

Миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши қонуни – ривожланишнинг механизмини кўрсатувчи қонун. Миқдор ва сифат, меъёр ва хосса категориялари. Меъёр предмет борлигининг чегараси. Сакраш бир сифатдан иккинчи сифатга айланиш вақти.

Инкорни инкор қонуни – ривожланишнинг йўналишини ифодаловчи қонундир. Прогрессив, регрессив ривожланиш. Тараққиёт ва инқироз ҳақида. Инкор ва инкорни инкор тушунчалари. Инкор қонунида ворисийликнинг намоён бўлиши. Ривожланишнинг динамикаси: пайдо бўлиш, ўсиш, гуллаб-яшнаш, акменинг юқори чўққиси, пасайиш, қариб-чириш, ҳалокат ёки бошқа ҳолатга ўтиш. Ривожланишнинг орқага қайтмаслиги. Ривожланиш – комплекс ўзгариш.

Категория тушунчаси. Субстанционал ва муносабатдош категориялар.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалетикаси. Ҳодисанинг атрибутлари: нарса ва жараён. Моҳият ва мавжудлик. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа. Мазмун ва шакл. Мазмун ва шаклнинг диалетикаси. Формализм. Фалсафа тарихида мазмун ва шакл категориясига муносабат. Бутун ва қисм. Қисмлар ўртасида алоқанинг хусусияти яхлитлик. Бутуннинг уч типи: механик бутун, уюшган бутун, органик бутун. Система ва элемент. Структура ва функция. Система, элемент, структура ва функция категориялари. Системанинг ўзига хос хусусиятлари.

Сабаб ва оқибат. Сабабият. Фалсафа тарихида сабаб ва оқибат тўғрисида хилма-хил қарашлар. Сабабий боғланишлар. Сабабларнинг турлари. Баҳона ва шарт. Синергетика сабабият ва тасодифлар ҳақида. Сабабий кетма-кетлик занжири. Сабаб ва оқибат ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа.

Зарурият ва тасодиф. Зарурият ва тасодиф диалетикаси. Эҳтимоллик ва тасодиф тушунчалари. Имконият ва воқелик. Имкониятларнинг турлари. Реал ва формал, абстракт ва конкрет имкониятлар. Имкониятнинг воқеликка айланиши билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг икки типи. Эркинлик ва зарурият.

### **3-БЎЛИМ**

#### **ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ НАЗАРИЯСИ БИЛИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ**

Билиш назарияси ҳақидаги умумий тушунча. Билиш назариясининг предмети. Билиш фалсафий таҳлилнинг предмети сифатида. Билиш инсон онгида берилган объектив реалликнинг инъикоси сифатида. Илмий билиш, унинг моҳияти ва тузилиши. Аниқ ва аниқ бўлмаган билимлар муносабати. Билимларнинг асосий шакллари. Илмий билиш динамикаси. Кундалик ва назарий билим. Билишга фалсафий ёндашувнинг хусусияти. Агностицизм ва скептицизм. Билиш тараққиётининг умумий ва хусусий қонуниятлари. Билишнинг ички мантиғи. Ҳозирги замон билишининг хусусиятлари. Билишга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар. Билиш, тажриба ва амалиёт. “Ҳамма ҳамма нарсани билади, аммо ҳамма ҳали туғилмаган” (Қобус ибн Вашимгир).

Ижтимоий гуманитар билим муаммо сифатда. Анъанавий гносеологияда табиийилмий билимларга муносабат. Анъанавий гносеология абстракциялари. Билиш фаолиятининг қадриятларга асосланганлиги. Табиатшунослик ва жамиятшуносликнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари. Табиатшуносликда билишнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ**

Ўрта асрлар ва Уйғониш даври Европа мутафаккирлари ижодида билиш масалалари.

Ўрта Осиё ва Яқин Шарқлик файласуфлар билиш назариясининг хусусиятлари. Ал-Киндийнинг Шарқона перепатетизми. Ал-Ансорий гносеологияси. Ал-Хоразмий

таълимотининг эвристик характери. Фарғонийнинг исботлаш учун фикрий эксперименти. Имом Бухорийнинг ҳақиқатни аниқлаш методлари. Абу Наср Форобийнинг билиш назарияси. Ибн Рушд таълимотида универсаллар муаммоси. Беруний ижодида метод муаммоси. Ибн Синонинг билиш назарияси ва ҳозирги замон. Умар Ҳайём билиш ва янглишиш ҳақида. Улуғбек таълимотида умумий ва хусусий методлар.

## **ҲИССИЙ, ЭМПИРИК, НАЗАРИЙ, МАНТИҚИЙ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ**

Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари: сезги ва идрок, хотира, хаёл ва тасаввур. Эмпирик билим ва унинг шакллари: кузатиш, эксперимент, илмий далиллар. Фикрнинг ҳиссийликдан рационалликка ҳаракати.

Назарий билим ва унинг шакллари: илмий муаммо, муаммо ва масала. Муаммоли вазиятнинг билиш жараёнидаги роли, гипотеза, тамойиллар, категориялар, парадигмалар.

Тафаккур ва унинг моҳияти. Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги. Тафаккурнинг асосий шакллари: тушунча, мулоҳоза, хулоса.

Ҳиссий эмпирик ва рационал билиш бирлиги. Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари.

Интуиция ва ижод. Фалсафа тарихида интуицияга муносабат. Интуициянинг билишдаги роли.

## **4-БЎЛИМ**

### **ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ИЛМИЙ БИЛИШ ТАЪЛИМОТИ СИФАТИДА**

Эпистемология – билиш жараёнини ўрганувчи изчил гносеология. Эпистемология – билиш, ҳаёт ва маданиятни ўзида мужассамлаштирган нарсалар ва ходисаларни ўрганувчи фан.

Эпистемологиянинг янгиланиш жараёнида илмий билимнинг “*алоҳида эпистемологик мақоми*” ҳақидаги таъсаввурларнинг шаклланиши. XX аср эпистемологияси турлари. Эпистемологиянинг эволюцион, генетик, натураллашган, гипотетик-дедуктив, кумулятив, антропологик, тарихий-эволюцион моделлари. Гносеология, эпистемология ва методологиянинг ўзаро нисбати. Ҳозирги замон гносеологиясида субъект ва объектнинг мустақил мавжудлигининг тан олинishi.

Методологиянинг мақсади. Методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари ва усуллари тизими.

### **ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ**

Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг фалсафий асослари. Ҳақиқатнинг асосий шакллари. Ҳақиқат ва адашиш, ёлғон ва дезинформация (чалғитувчи ахборот). Ҳақиқатни амалий текшириш йўллари излаш. Амалиёт – ҳақиқат мезони. Ҳақиқатнинг зиддиятли характери. Обьектив ҳақиқат. Нисбий ҳақиқат. Ҳақиқатнинг конкретлиги масаласи. Ҳақиқат – субъектив образининг объектив мазмуни. Обьектив ҳақиқат ва уни баҳолаш ўртасидаги муносабат.

Билимларнинг ҳақиқийлиги ва амалиёт мезонини баҳолаш. Релятивизм ва догматизм ҳақиқатни билиш ҳақида. Ҳақиқатни билишда далилларнинг роли. Ҳозирги замон фанида далилларнинг гносеологик роли ва унинг билимлар билан бирлиги. Ҳақиқатни билишда исботлаш ва рад этишнинг ўрни.

Ҳақиқатни билишда назария ва амалиётнинг бирлиги. Илмий назариялар ривожини муаммоси. Назарий билимлар муаммоси диалектикаси. Назария тараққиётининг асосий сабаблари (ташқи ва ички). Назарий билимларнинг бир биридан фарқи ва бирлиги.



Илмий билишда назарий асослаш муаммоси. Назария ва амалий далилларнинг зиддияти. Назарияни формал-матикий асослаш даражаси.

Назария ва амалиёт алоқадорлиги ва шартлилик муаммоси. Илмий назарияни формаллаштириш. Фундаментал, амалий ва назарий билимларнинг алоқадорлиги. Назарий билимларни амалиётга тадбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Классик табиатшунослик фанларида ривожланиш муаммоси.

## **ТАНҚИДИЙЛИК ВА РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

(К.Поппер). Илмий фаолият нормаларининг релятивлиги. (Майк Полани) Танқидий рационализм. Фаннинг демаркацияси (чегаралаш) муаммоси. Верификациянинг муқобили-фалсификация. Фаллибилизм тамойили. Умумий маънодаги танқидийлик. Рационаллик танқидийликнинг тавсифи сифатида. И. Лакатоснинг фаллибилизмга баҳоси. Рационалликдаги чекланганлик. К. Поппер уч олам ҳақида. Эпистемологиянинг автономияси.

М.Поланининг шахсий билим концепцияси. Ночин билимни аниқлаш ва бартарарф қилиш. Эпистемологиянинг антропологик асослари. Перифий (ноаниқ) билим. Тафаккур ва нутқнинг ўзаро мутаносиблиги. Ноаниқ ва чигал тушуниш соҳалари.

## **ЭВОЛЮЦИОН ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ВА ЭВОЛЮЦИОН ДАСТУР. ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИОН ЙЎНАЛИШ.**

Эволюцион эпистемология ғоялари. Жан Пиаже ва генетик эпистемология назарияси. Ирме Лакотос илмий тадқиқот дастури концепцияси дастурининг Стивен Тулминнинг эволюцион дастури. Тушунчаларнинг моҳияти ҳақида ўзгарувчанлик муаммоси. Интеллектуал ташаббус. Фан интеллектуал йўналишларнинг мажмуи ва профессионал институт. Илмий жамоатчилик илмий рационализмнинг етакчилари.

Фан илмий жамоатчиликнинг фаолияти. Илмий жамоатчилик тушунчаси. Нормал фан ва илмий революция. Т.Кун парадигма ва унинг структураси ҳақида.

Илмий инқилобнинг белгилари ва хусусиятлари. Илмий мактаблар – илмий жамоалар ва эпистемологик жамоатчилик.

## **5-БЎЛИМ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ФАН ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҲОДИСА**

Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида билим, фаолият ва ижтимоий институт. Фан тарихига оид ёндошувлар: презентизм ва антикваризм, интернализм ва экстернализм, сциентизм ва антисциентизм. Фан тарихи тараққиётининг асосий моделлари. Фаннинг функциялари: маданий функциясининг ўзига хос хусусиятлари. Фаннинг ижтимоий тартибга солиш функцияси. Бевосита бунёдкор куч сифатидаги фанда нейтраллик ва ижтимоий буюртманинг намоён бўлиши. Фан сиёсат воситаси. Фаннинг ижтимоий куч функцияси. Ҳақиқий билимни яратиш функцияси. Мафқуранинг фанга муносабати ва унинг моделлари: қоралаш; бефарқлик; раҳнамолик ва эксплуатация қилиш. Фаннинг микроконтексти ва макроконтексти. Фан тараққиётининг асосий омиллари: институционал, интеллектуал, фалсафий, диний ва эстетик омиллар. Фанни белгиловчи ижтимоий-психологик омиллар. Фанларнинг дифференциация ва интеграцияси. Фаннинг ижтимоий маданий мўлжаллари.

Фан билишнинг махсус шакли. Фанлар таснифига оид қарашлар тарихи. Номотетик

ва идеографик методлар Динамик ва статик қонуниятлар Фан илмийлик мезонларининг тарихийлиги. Илмийлик мезонларининг таснифи. Билиш меъёрлари ва идеаллари, дунёнинг илмий манзараси. Илмий билимга нисбатан аналитик ва синтетик ёндошув. Аналитик билим тафсилотлари. Синтетик билимда янги мазмуннинг яратилиши. Фандаги изчиллик, ишончлилик, асослилик, исботлилик. Ижтимоий-тарихий амалиёт ҳақиқатнинг универсал мезони. Ижтимоий, техникавий, табиий, фундаментал, амалий, назарий ва экспериментал фанларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи. Сабабият ва қонунийлик фаннинг барча жабҳаларида ҳукм сурувчи фундаментал константа.

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ**

Илмий тадқиқотнинг бошқа ижод шакллари билан алоқадорлиги. Илмий тадқиқотнинг хоссалари. Техникавий тадқиқот. Техник ижод жараёнининг ихтирочилик, лойиҳалаштиришда намоён бўлиши. Техникавий ижоднинг рационал ва утилитар хусусияти.

Бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқот. Бадиий ижод ижтимоий онгнинг махсус шакли. Педагогик тадқиқот. Импровизация педагогик тадқиқотнинг кўриниши. Педагогик ижоднинг хусусий кўриниши. Ҳамкорликдаги тадқиқот. Замонавий илмий тадқиқот концепциялари.

Илмий тадқиқотда интуициянинг роли. Интуитив билиш даражаси. Интуиция – ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилияти. Интуиция бевосита билим, сезги аъзолари орқали билиш шакли, Интуитив билимнинг илмий тадқиқот фаолиятидаги роли.

Интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимот. XX аср бошида ҳар хил мактаблар: Гуссерлнинг феноменологик интуицияси, Бергсоннинг интуитивизми. Фрейднинг онг ости интуицияси. Интуициянинг илмий тадқиқот жараёнига таъсири.

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ИННОВАЦИЯ ВА НОВАЦИЯЛАР**

Инновация тушунчаси ва унинг таҳлили. Илмий-ижодий фаолиятдаги инновациялар. “Кашфиёт”, “ихтиро” тушунчаларининг инновацион характери. Ихтиро-кашфиёт ва инновация ўртасидаги ўзига хос “оралиқ” ҳолат. Ихтиро муайян кашфиёт доирасида содир бўлувчи инновацион даража. Кашфиёт ва ихтиролар ижодий фаолият натижаси. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар ва ихтиролар таснифи. Инновация янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланиш воситаси. Новацияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Новация янги илмий ғоядаги «эскилик» элементи. Илмий-ижодий фаолиятда инновация ва новацияларнинг ўрни масаласига оид илмий-назарий хулосалар.

## **АСОСИЙ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ВА ТАМОЙИЛЛАР**

Метод, методология ва методика тушунчалари. Методларнинг таснифи: умумилмий тадқиқот методлари, хусусий илмий методлар, умумий мантикий методлар, фан методлари, эмпирик тадқиқот методлари, назарий тадқиқот методлари. фанлараро тадқиқот методлари. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил

Методологик тамойиллар. Мувофиқлик тамойили. Тўлдирувчанлик тамойили. Системали ёндашув. Моделлаштириш тамойили ва ўхшатиш методи Тарихийлик тамойили. Метаяхлит хоссалар – Ad-hoc яхлит хоссалар.

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ ТИПЛАРИ**

Илмий тадқиқот типларининг таснифи. Фундаментал тадқиқотлар. Фундаментал

тадқиқотларда воқелик ходисалари ва қонунлари ҳақида янги билим олиш имконияти. Фундаментал тадқиқотларнинг икки тури: эркин ва аниқ мақсадга қаратилган тадқиқотлар. Амалий тадқиқотлар. Амалий тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти. Амалий тадқиқотларни молиялаштириш имконияти. Фан ва ишлаб чиқариш алоқадорлиги. Илмий тадқиқот фаолиятида ворисийлик ва новаторлик. Инновацион тадқиқотлар. Илмий тадқиқот типларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИГА АХБОРОТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.**

Ахборот, маълумот ва билим уйғунлиги. Илмий тадқиқот жараёнида билимлар ҳажмининг ўсиши. Илмий билимнинг информативлиги. Ижтимоий ахборот. Ижтимоий ахборотни ўзлаштиришнинг аҳамияти. Илмий ахборот - ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури. Информатика. Ахборотлашган жамияти концепцияси. Технология ва техникани ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот фаолиятига ижобий таъсири.

Илмий тадқиқот усуллари ва воситалари. Фанлар туташган жойда илмий билимнинг интеграл соҳаси. Информатика илмий билимнинг ўзига хос соҳаси.

## **ТУШУНИШ ВА ТУШУНТИРИШ**

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро муносабати. Ҳозирги адабиётларда тушуниш турлари, типлари ва даражалари. Герменевтик доира. Тушуниш, тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш. «Маъно» тушунчасининг талқини. Семиотика (юнон. белги, аломат) – белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. Символ (юнон. – рамз, шартли белги) – бу: 1) фанда (мантиқ, математика ва б.) белги; 2) санъатда – илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадиий образ нуқтаи назаридан тавсифи. Ижтимоий билишда диалог.

Илмий тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели. Телеологик ёки интенционал тушунтириш. Тушунтириш ва тушунишнинг ўзаро нисбати. Тушуниш маънавий маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси.

## **6-БЎЛИМ.**

### **МАНТИҚ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Тафаккур* — мантиқ илмининг ўрганиш объекти. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари. Тафаккурни ўрганишга турли хил ёндашишлар.

*Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари* ҳақида тушунча. Тафаккур шакли (мантиқий шакл) тушунчаси. Фикрнинг аниқ мазмуни ва мантиқий шакли, уларнинг нисбий мустақиллиги ва ўзаро алоқаси. Тафаккур қонуни (мантиқ қонуни) тушунчаси. Тафаккур қонуни-фикрлар (фикрлаш унсурлари) ўртасидаги зарурий алоқа. Тафаккур қонунлари тўғри фикр юритишнинг муҳим тамойиллари сифатида. Фикрнинг чинлиги (ҳақиқатлиги) ва унинг шакл жихатдан тўғри қурилиши.

*Мантиқ фанининг предмети.* Мантиқ — тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан. Мантиқ илмининг асосий масалалари ва уларни тадқиқ этиш йўналишлари. Формал мантиқнинг предмети ва тузилиши, унинг диалектик мантиқ ва математик мантиқ билан ўзаро муносабати. Формал мантиқнинг фалсафий билимлар тизимида тутган ўрни: гносеология, замонавий эпистемология, методология, аксиология, герменевтика билан ўзаро муносабати. Бошқа фанлар билан алоқалари: формал мантиқ ва лингвистика, формал мантиқ ва информатика, формал мантиқ ва психология, формал мантиқ ва педагогика ва бошқалар. Формал мантиқнинг ҳозирги пайтдаги вазибалари.

*Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти.* Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги, шу жумладан, мустақил, эркин фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдаги аҳамияти. Мантиқ фанининг илмий ишонч-эътиқоднинг шаклланишида

тутган ўрни. Мантиқ илмининг фан ва техника тараққиётига, мамлакатни модернизациялаш жараёнига таъсири. Мантиқ илмининг билиш жараёнида тушуниш ва тушунтириш, айникса, миллий ва умуминсоний қадриятларни англаш, миллий мафқурани ривожлантиришдаги аҳамияти.

## **МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши. Шарқ ва Ғарб фалсафасида мантиққа оид фикрларнинг ривожланиши. Софистика ва нотикдик санъатига илмий ёндашиш. Сократ ва Платоннинг тафаккур табиати ва шакллари ҳақидаги фикрлари. Аристотель - мантиқ илмининг асосчиси.

Ўрта асрларда мантиқ илми. Яқин ва ўрта Шарқда, Марказий Осиёда мантиққа оид билимларнинг тараққий этиши. Ал-Киндий, Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмийларнинг мантиқий таълимотлари. Форобийнинг мантиқ фани тараққиётига қўшган ҳиссаси. Ибн Синонинг мантиқ фани ривожда тутган ўрни. Ибн Рушд яратган мантиқ таълимоти. Журжонийнинг мантиққа оид қарашлари. Европа мамлакатларида номинализм ва реализм тарафдорлари ўртасидаги умумийлик масаласи бўйича баҳснинг мантиқий аҳамияти.

Янги даврда (XVII-XIX асрларда) мантиқ илми тараққиётининг асосий йўналишлари. Ф.Бэконнинг индукцияни билишнинг самарали методи сифатида асослаши. Р.Декартнинг билишда дедукция ва интуициянинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари. Лейбницнинг математик мантиқни яратиш ғоясини илгари суриши. И.Кантнинг трансцендентал мантиқни яратиши. Гегел — диалектик мантиқнинг асосчиси. XIX асрда Англияда индукция назариясининг ривожлантирилиши. М.В.Ломоносов, М.М.Каринский ва бошқа рус мутафаккирларининг мантиққа оид қарашлари.

XIX аср ўрталари - XX аср бошларида мантиқнинг ривожланиши. Д.Буль - математик мантиқнинг системали тараққий этишига асос солган мутафаккир. Г.Фрегеннинг математик мантиқ фани тараққиётига қўшган ҳиссаси. XX - асрнинг ўрталари ва охирида мантиқ илмининг ривожланиши.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мантиқ масалаларининг тадқиқ этилиши ва мантиқнинг ривожланиш истикболлари.

## **МАНТИҚ ИЛМИ ВА ТИЛ**

*Тил ахборот (информация) белгилари тизими сифатида.*

Тилнинг функциялари. Табиий ва сунъий тиллар. Тилни мантиқий таҳлил қилиш тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш воситаси сифатида.

*Белги* тушунчаси. Тил белгиларининг ашёвий ва маъно жиҳатдан тавсифи. Тилнинг семиотик таҳлили йўналишлари: семантика, синтаксис, прагматика.

*Тилнинг семантик категориялари.* Фикрларни формаллаштириш тушунчаси. Пропозиционал функциялар ҳосил қилиш. Дескриптив атамалар: предметлар номлари, предикаторлар, гаплар; мантиқий атамалар: мантиқий боғловчилар, кванторлар. Мантиқнинг формаллашган тилининг ўзига хос хусусиятлари. Предикатлар мантиғи тили.

## **ФОРМАЛ МАНТИҚНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ**

Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари: фикрнинг аниқ маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, асослилиги. Тафаккур қонун (тамойил)ларининг тўғри фикр юритиш учун аҳамияти. Айният қонуни. Нозидлик қонуни. Учинчиси мустасно қонуни. Етарли асос қонуни. Тафаккур қонунларининг ўзаро алоқаси. Тафаккур қонунларига риоя қилиш — билишда ҳақиқатга эришиш шарт.

## **ТАФАККУРНИНГ УНИВЕРСАЛ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ. ТУШУНЧА**

*Тушунча* тафаккур шакли сифатида. Предметнинг хоссалари, муносабатлари предмет белгилари сифатида. Предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим

белгилари.

Тушунча - предметларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл.

Предметлар синфи ҳақида тушунча. Синфларнинг турлари: катта ва кичик синфлар. Синф унсурлари. Унсурнинг синфга мансублиги ва бир синфнинг иккинчи синфга кириши. Тушунча предметлар синфини акс эттирувчи мантиқий шакл сифатида.

Тушунчаларни шакллантирувчи мантиқий усуллар: таҳлил, синтез, таққослаш, мавҳумлаш (абстракциялаш), умумлаштириш ва бошқалар. Тушунчаларнинг тилда ифода қилиниши. Тушунчаларнинг билишдаги аҳамияти.

*Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми.* Тушунчанинг мазмуни, унда предметнинг муҳим белгиларининг ифода қилиниши. Тушунчанинг ҳажми. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни.

*Тушунча турлари.* Якка ва умумий тушунчалар. Айирувчи ва тўпловчи тушунчалар. Мавҳум ва аниқ тушунчалар. Нисбатсиз ва нисбатдош тушунчалар. Ижобий ва салбий тушунчалар.

*Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.* Таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчалар. Сиғишадиган ва сиғишмайдиган тушунчалар. Сиғишадиган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар: мослик, қисман мослик ва бўйсунуш. Сиғишмайдиган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар: бирга бўйсунуш, қарама-қаршилик, зиддик.

*Синфлар (тушунчалар ҳажмлари) устида амаллар:* қўшиш, кўпайтириш, тўлдириш. Синфлар мантиғининг асосий қонунлари.

*Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш.* Умумлаштиришнинг моҳияти, унинг тушунчалар, категорияларнинг шаклланишидаги аҳамияти. Чегаралаш амали ва тушунчада ифода этилган билимни аниқлаштириш.

*Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция)нинг* мақсади ва тузилиши. Номинал ва реал таърифлар. Номинал таърифнинг илмий терминларни яратиш, фаннинг концептуал аппаратини ривожлантиришдаги аҳамияти. Аниқ реал таърифлар: яқин жинси ва тур белгиси орқали таърифлаш, генетик таъриф. Ноаниқ реал таърифлар: контекстуал таъриф, индуктив таъриф, аксиоматик таъриф. Таърифлаш қоидалари ва уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатолар.

Таърифлашга ўхшаш усуллар: тасвирлаш, тавсифлаш, мисоллар ёрдамида тушунтириш ва бошқалар.

Таърифлашнинг илмий билиш ва амалий муҳокама юритишдаги аҳамияти. Таърифлашнинг тушунчалар пайдо бўлиши ва тараққий этиши, илмий терминологиянинг яратилиши билан алоқаси.

*Тушунчаларни бўлишнинг* мақсади ва тузилиши. Бўлишнинг турлари: белгининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда бўлиш, дихотомик бўлиш. Бўлиш қоидалари ва бўлишда учрайдиган мантиқий хатолар.

*Туркумлаш (классификация)нинг* моҳияти. Сунъий ва табиий туркумлаш.

Бўлиш, туркумлашнинг фан ва амалиётдаги аҳамияти.

## **ҲУКМ. САВОЛ. НОРМА (МЕЪЁРИЙ ҚОИДА)**

*Ҳукм* тафаккур шакли сифатида. Ҳукмнинг таркиби ва асосий хусусиятлари. Ҳукм ва гап. Оддий ва мураккаб ҳукмлар.

*Оддий ҳукм* таркиби. Оддий ҳукмларнинг предикат мазмуни, миқдори, сифати бўйича турлари. Ажратиб кўрсатувчи ва истисно этувчи ҳукмлар. Ҳукмлар терминлари ҳажмларини аниқлаш.

*Мураккаб ҳукм*, унинг турлари. Мураккаб ҳукмларни ҳосил қилувчи мантиқий боғламалар. Бириктирувчи (конъюнктив) ҳукмлар. Айирувчи (дизъюнктив) ҳукмлар. Шартли (имплекатив) ҳукмлар. Етарли ва зарурий шарт тушунчалари. Эквивалент ҳукмлар. Мураккаб ҳукмларнинг чин бўлиш шартлари. Мураккаб ҳукмларни мулоҳазалар мантиғи

тилида ифодалаш: формулалар ҳосил қилиш ва жадвал тузиш.

*Модаллик турлари ва модаллик ҳукмлари.* Мантиқий ва онтологик модалликлар. Алетик модалликнинг асосий категориялари: воқелик, зарурийлик, тасодифийлик. Модаллик ҳукмлари билан билишдаги аҳамияти.

*Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар.* Сиғишадиган ва сиғишмайдиган ҳукмлар. Сиғишадиган ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар: қарама-қаршилик, мантиқий бўйсунуш, қисман мослик (субконтрарлик). Сиғишмайдиган ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар: зидлик (контрадикторлик), қарама — қаршилик (контрарлик). "Мантиқий квадрат" тушунчаси ва схемаси.

*Савол фикрнинг махсус шакли сифатида.* Мантиқан тўғри ва нотўғри қўйилган саволлар. Саволни тўғри қўйиш шартлари. Аниқловчи ва тўлдирувчи саволлар. Содда ва мураккаб саволлар. Саволга бериладиган жавобнинг турлари: чин ва хато жавоблар, бевосита ва билвосита жавоблар, қисқа ва батафсил жавоблар, тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар, аниқ ва ноаниқ жавоблар.

*Норма (меъёрий қоида) тафаккур қоида ва талабларини ифода қилувчи фикр сифатида.* Меъёр ва ҳукм. Меъёрнинг воқеликка бўлган муносабатининг мантиқий ифодаланиши.

## ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи. Хулоса чиқаришнинг тузилиши: асослар, хулоса, асослардан хулосага мантиқан ўтиш (хулосалаш). Мантиқан келиб чиқиш тушунчаси. Мантиқан зарурий ва эҳтимолий (тўғрига ўхшаш) хулоса чиқаришлар. Хулоса чиқариш турлари: дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия.

*А. Дедуктив хулоса чиқариш.* Дедуктив хулоса чиқариш тушунчаси. Дедуктив хулоса чиқаришда хулосанинг асослардан мантиқан келиб чиқишининг зарурийлиги. Хулоса чиқариш қоидалари тушунчаси. Ҳукмларнинг субъект — предикатли структурасига ҳамда ҳукмларнинг ўзаро мантиқий боғланишларига асосланган хулоса чиқаришлар.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг турли хил шакллари. Қатъий ҳукмлардан хулоса чиқариш. Ҳукмларни ўзгартириш орқали хулоса чиқариш (бевосита хулоса чиқариш): айлантириш, алмаштириш, предикатга қарама-қарши қўйиш. "Мантиқий квадрат" буйича хулоса чиқариш.

*Қатъий силлогизм таркиби.* Силлогизмнинг аксиомаси ва умумий қоидалари. Силлогизм фигуралари ва модуллари. Фигураларнинг махсус қоидалари. Қисқартирилган силлогизм (энтимема). Энтимемадан тўла силлогизмни тиклаш. Мураккаб силлогизм (полисиллогизм) ва қисқартирилган мураккаб силлогизмлар (сорит ва эпихейрема).

*Мураккаб ҳукмлар ёрдамида силлогистик хулоса чиқариш.* Шартли ва айирувчи хулоса чиқаришлар, уларнинг модуллари. Шартли—айирувчи (лемматик) хулоса чиқариш: конструктив за деструктив дилеммалар.

*Б. Индуктив хулоса чиқариш.* Индуктив хулоса чиқариш тушунчаси. Индукциянинг тажриба натижаларини умумлаштириш билан алоқаси. Индуктив хулоса чиқариш турлари: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.

*Тулиқ индукциянинг хусусиятлари.* Математик индукция тушунчаси. Тулиқсиз индукциянинг тузилиши, унинг турлари: оммабоп индукция, илмий индукция. Индуктив йўл билан ҳосил қилинган умумлашмаларнинг муаммолиги. Мантиқий эҳтимоллик тушунчаси. Индуктив умумлашмаларнинг асосланганлик даражалари.

*Оммабоп индукциянинг моҳияти.* Оммабоп индукция хулосасининг эҳтимоллик даражасини ошириш шартлари.

*Илмий индукция ва сабабий алоқадорлик.* Сабабий алоқадорликнинг асосий хусусиятлари. Сабабий алоқадорликни аниқлашнинг индуктив методлари: ўхшашлик методи, тавофут методи, йўлдош ўзгаришлар методи, қолдиқлар методи.

*Статистик умумлаштириш, унинг индуктив характери.*

Билишда индуктив хулоса чиқаришнинг аҳамияти. Билиш жараёнида индукция ва дедукциянинг ўзаро алоқаси.

В. *Аналогия*. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти. Аналогия асосида хулоса чиқариш турлари: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси. Қатъий ва қатъий бўлмаган аналогиялар. Қатъий бўлмаган аналогияда хулоса чин бўлиши эҳтимоллигини ошириш шартлари. Қатъий аналогияда хулосанинг ишончлилиги. Билишда аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг аҳамияти. Аналогия - моделлаштиришнинг мантиқий асоси.

## АРГУМЕНТЛАШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

Аргументлаш, унинг ишонч-эътиқоднинг шаклланишида тугган ўрни. Ишонтиришнинг мантиқий омиллари. Асосли муҳокама юритиш-илмий ишонч-эътиқод шаклланишининг мантиқий негизи.

*Исботлаш* тушунчаси. Исботлашнинг таркиби: тезис, асослар (аргументлар), исботлаш усули. Бевосита ва билвосита исботлаш.

*Рад этиш* тушунчаси. Танқид ва рад этиш. Рад этиш усуллари: тезисни рад этиш, асосларни (аргументларни) танқид қилиш; рад этиш усулининг пучлигини аниқлаш. Илмий танқид қилиш олдида қўйиладиган мантиқий талаблар.

*Исботлаш ва рад этиш қоидалари*. Тезисга ва антитезисга оид қоидалар. Тезисга ва антитезисга хос мантиқий хатолар. Асослар (далиллар) га оид қоидалар. Асосларда учрайдиган хатолар: хато асос, асосни олдиндан тахмин қилиш, асосларнинг етарли эмаслиги, исботлашда айлана ва бошқалар.

Исботлаш ва рад этиш усулига оид қоидалар, уларни бузганда учрайдиган хатолар. Фикрни асослашда учрайдиган бошқа мантиқий хатолар: паралогизмлар, софизмлар. Мантиқий парадокс ва унинг ифодаланиш шакллари.

*Баҳс юритишнинг* моҳияти ва шакллари. Полемика ва мунозара тушунчалари. Мунозара баҳсталаб масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилиш методи сифатида. Мунозара қилиш қоидалари. Исботлаш ва рад этишнинг илмий билишдаги аҳамияти.

## МУАММО. ФАРАЗ. НАЗАРИЯ

*Муаммо* ва унинг билишдаги аҳамияти.

Муаммоли вазият тушунчаси. Савол ва муаммо. Илмий муаммоларнинг вужудга келиши ва мантиқий тузилиши, уларнинг турлари ва ҳал қилиниши. Жамиятнинг демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларнинг мантиқий таҳлили. Илмий билишда муаммони ҳал қилиб бўлмасликни аниқлаш.

*Фараз* - билимларнинг мавжуд бўлиш ва тараққий этиш шакли. Фаразларнинг асосли бўлишининг мантиқий — методологик шартлари. Фараз турлари: умумий ва хусусий фаразлар. Ишчи фараз тушунчаси.

Фанда ўзаро рақобат қилувчи фаразлар. Фаразларни танлаш шартлари. Фаразни қуриш ва уни ривожлантириш босқичлари. Фаразларни тасдиқлаш усуллари. Экспериментнинг фаразларнинг ишончлилигини кўрсатишдаги аҳамияти. Фаразларнинг тасдиқланиш даражасини эҳтимолий баҳолаш. Фаразни исботлаш усуллари. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида асосли фаразларни яратиш ва исботлашнинг мантиқий воситаларини самарали қўллашнинг зарурлиги.

*Назария* билимларнинг мантиқий тизими сифатида. Илмий назария, унинг мақсади, тузилиши ва функциялари. Қурилиш методи бўйича илмий назарияларнинг турлари. Гипотетик-дедуктив назарияларнинг моҳияти ва тузилиши. Аксиоматик тарзда қурилган назариялар.

Мантиқ фанининг илмий билимларни тараққий эттириш, тизимга солиш ва

асослашдаги аҳамияти.

## **НАЗАРИЙ БИЛИШНИНГ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗARO АЛОҚАСИ**

Категориялар (назарий тушунчалар) тафаккур шакллари сифатида. Ғоя ва унинг билимлар таракқиётида тутган ўрни.

Миллий ғоянинг мантиқий структураси ва мазмуни. Фараз назарий билимлар мавжудлиги ва таракқиётининг мантиқий шакли сифатида. Назариянинг тафаккур шакли сифатидаги моҳияти. Назарий билишда муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши. Муаммо билмасликдан билишга, тусмол билимлардан ишончли билимларга ўтишнинг мантиқий воситаси сифатида. Муаммонинг шаклланиши. Муаммони қўйиш ва билиш вазифасини аниқлаш. Назарий муаммо, савол ва масаланинг ўзаро диалектик алоқадорлиги.

## **ИЛМИЙ НАЗАРИЯНИНГ МАНТИҚИЙ СТРУКТУРАСИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Илмий назариянинг мақсади ва вазифалари. Илмий назариянинг шаклланиши ва структураси. Илмий назариянинг бошланғич асоси (бошланғич тушунчалари), ғояси, натижаси. Илмий назариянинг эмпирик асоси ва формализми. Илмий назарияни такомиллаштириш ва ривожлантириш: мавжуд тушунчалар мазмунини аниқлаштириш, янги тушунчалар киритиш, гипотеза ва ғояларни қайта қўриб чиқиш ва ҳоказо.

## **ДИАЛЕКТИК МАНТИҚДА ИСБОТЛАШ МУАММОСИ**

Формал ва диалектик тарзда исботлаш тушунчалари. Назарий хулосаларни тажриба натижалари билан солиштириш. К. Поппернинг синаб қўриш ва хатога йўл қўйиш методининг моҳияти. Диалектик исботлаш хулосаларнинг чинлигини доимий текшириб туришдан иборат жараён сифатида. Диалектик исботлашда тасдиқлаш ва тушунтиришнинг тутган ўрни.

## **НОКЛАССИК МАНТИҚ**

Ноклассик мантиқий системаларнинг шаклланишига математикадаги янги назарияларнинг таъсири. Ноклассик мантиқнинг классик мантиқдан фарқи. Ноклассик мантиқнинг асосий йўналишлари. Ноклассик мантиқда қўлланиладиган терминлар ва уларнинг ифодаланиши. Мантиқий операциялар (конъюнкция, дузъюнкция, импликация, эквиваленция)нинг ноклассик мантиқда ўзига хос талқин қилиниши.

Кўп маъноли мантиқий системаларнинг шаклланиши ва турлари.

Интуиционистик мантиқнинг шаклланишига таъсир қилган омиллар. Интуиционистик мантиқ аксиомалари. Интуиционистик мантиқнинг илмий билишдаги роли.

Конструктив мантиқнинг моҳияти ва математик асоси. Конструктив мантиқ аксиомалари. Конструктив ва интуиционистик мантиқнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари.

Ижобий мантиқ. Ижобий мантиқий системалар инкор операциясиз қурилган системалардир. Ижобий мантиқ тилида қўлланмалар яратиш. Ижобий мантиқдан ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришда фойдаланиш. Нозиддиятсизлик мантиғи. Жамият таракқиётидаги «ўтиш» жараёнларининг мавжудлиги-нозиддиятсизлик мантиғининг асосидир.

Модал мантиқ. Аккерманнинг модал системаси.



## Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

### Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-19 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

### Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2011. -159 .
2. Бургардт Ф. Новые горизонты в исследовании поэтического стиля. -Киев.: Науково Думка, 1995.
3. Давронов З. Илмий ижод методологияси.-Т.: Молия институти.,2006
4. Ивлев Ю.В. Модальная логика.- М., 1992
5. Ёқубов Т., Қаллибеков С. Математик логика элементлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Каримов С. Мантиқ (Логика). Т.: ИИВ Академияси, 1995.
7. Маънавият. Асосий тушунчалар изохли луғати. Т.:Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2009.
8. Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). Т.: Akademiy, 2011.
9. Соифназаров И, Никитченко Г. Илмий ижод методологияси.-Т.:ТДИУ, 2004.
10. Туленов Ж.Т. Диалектика назарияси . -Т.: Ўзбекистон, 2001.-180 б.
11. Туленова К.Ж. Предвидении и реальность. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. -141 б.
12. Тураев Б.О. Пространство. Время. Развитие. –Т.: Фан, 1992.
13. Тўраев Б.О. Ҳозирги замон табиатшунослиги концепциялари. –Тошкент: Тафаккур, 2009.
14. Тўраев Б.О. Логика: масала ва машқлар тўплами. –Тошкент: Тафаккур, 2009.
15. Тўраев Б.О. Борлик: моҳияти, шакллари ва турлари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
16. Тўраев Б.О. Онтология, гносеология ва фан фалсафаси муаммолари. –Т.: “Ўзбекистон миллий кутубхонаси”, 2015. – 376 б.
17. Файзуллаев О.Ф. Фалсафа ва фан методологияси. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
18. Фалсафа қисқача изохли луғат. А.М.Жалолов, М.Н.Абдуллаева таҳрири остида -Т.: Шарқ, 2004. –384 б.
19. Фалсафа қомусий луғат Қ.Назаров таҳрири остида -Т.: Шарқ, 2004. -468 б.
20. Фалсафа: энциклопедик луғат. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2010.
21. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. -Т.: Ўқитувчи, 1993.
22. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма (лотин графикасида ). - Т., 2005
23. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма.- Т., 2004
24. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш (электрон дарслик).[www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
25. Шермухамедова Н.А. Гносология – билиш назарияси.-Т.: Ношир, 2011
26. Шермухамедова Н.А. Фалсафа- ўқув услубий мажмуа. Т.: Ношир, 2012
27. Шермухамедова Н.А. Фан фалсафаси.Т.: Нишон ношир, 2012
28. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси.Т.: Нишон ношир, 2013.
29. Falsafa. Darslik. (M.Ahmedova tahriri ostila). Т.:O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006.
30. Shermuxamedova N.F.Falsafa va fan metodologiyasi. Toshkent 2009 – 436 b

### Қўшимча адабиётлар:

1. Ёқубова М. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологияларининг аҳамияти. –Т.: Университет, 2006. -28 б.
2. Файзуллаев А.Ф. Инерция мышления: трудности перехода от старого к новому // Ж. Общественные науки в Узбекистане. 1991. № 3. –С. 14-18.
3. Файзуллаев О. Интуиция ва инстинкт // Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. –Б. 52-55.
4. Файзуллаев О. От алгебры ал-Хорезми до современных алгебр // Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. –Т.: Фан, 2000. –С.17-21.
5. Шарипов М. Категориальные знания и их виды. - Т.: 1995.
6. Шарипов М. Философская категории и познание мира. Ташкент, 1994.
7. Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. -270 с.
8. Классическая наука в Средней Азии и современная мировая цивилизация. Под ред. О.Файзуллаева. –Ташкент: Фан, 2000.
9. Замонавий эпистемологиянинг муаммолари. М.Н.Абдуллаева таҳрири остида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.

#### **Интернет ресурслари:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
3. <http://www.intencia.ru>.
4. <http://www.anthropology.ru>
5. <http://www.ido.rudn.ru>.
6. <http://www.filosofia.ru>.
7. <http://www.falsafa.dc.uz>.
8. <http://www.phenomen.ru>.
9. <http://www.lib.ru/filosof>  
<http://www.filam.ru/sait.phg>.

#### **09.00.01 – ОНТОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ ВА МАНТИҚ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА САВОЛНОМА**

1. Авесто энг қадимги манба.
2. Алоқа тушунчасининг моҳияти. Ҳажм жиҳатидан умумий, алоҳида ва хусусий алоқалар.
3. Алоқа учун асос, муносабат ва ўзаро таъсир тушунчалари.
4. Бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқот.
5. Базис қонунлар ва локал қонунлар.
6. Биосфера ва ноосфера алоқадорлиги.
7. Борлиқнинг асосий шакллари.
8. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси
9. Дунёқараш тушунчаси ва унинг асосий шакллари.
10. Дунёқарашнинг тарихий шакллари: миф, дин, фалсафа, фан.
11. Дунёқарашнинг тузилиши: дунёни сезиш, дунёни идрок этиш, дунёни тушуниш.
12. Диний дунёқараш ва унинг функциялари
13. Диний дунёқарашнинг илдизлари
14. Мифология дунёқараш сифатида
15. Фалсафа фанининг предмети ва структураси
16. Фалсафанинг функциялари
17. Фалсафа ва фаннинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи
18. Дунёнинг илмий манзараси ва унинг эволюцияси
19. Дунёнинг классик манзараси
20. Дунёнинг ноклассик манзараси ва тузилиши.
21. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси эволюцияси.

22. Зарурият ва тасодиф диалектикаси.
23. Зарурият ва тасодиф Сабаб ва оқибат диалектикаси.
24. Зиддиятларнинг турлари. Асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар.
25. Илмий жамоатчилик илмий рационализмнинг етакчилари.
26. Интеллектуал элита ва илм аҳли тушунчаси
27. Илмий тадқиқот типларининг таснифи.
28. Илмий тадқиқот типларининг таснифи. Фундаментал тадқиқотлар. Амалий тадқиқотлар.
29. Илмий тадқиқот усуллари ва воситалари.
30. Илмий тадқиқотда эркинлик ва ижтимоий назорат.
31. Илмий тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели.
32. Имкониятларнинг турлари.
33. Инновация тушунчаси ва унинг таҳлили.
34. Инсон ва ноосфера.
35. Инсон фалсафий муаммо сифатида.
36. Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси.
37. Интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимот.
38. Интериоризация ва экстериоризация тушунчаси ва уларнинг механизми.
39. Интуиция ва ижод.
40. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.
41. Категория тушунчаси ва уларнинг турлари.
42. Конвенциализм таълимоти Ньютон механикаси қонунлари тилдаги келишувлар ҳисобланиши.
43. Конвенциализм фанни талқин қилишнинг муайян методологик концепцияси сифатида.
44. Қонунларнинг таснифи. Вокелик қонунлари. Фан қонунлари. Фалсафа қонунлари
45. Фазо ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари.
46. Фазо ва вақтнинг умумий хоссалари: объективлик, абадийлик, чексизлик ва ички зиддиятлилик.
47. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит.
48. Материя ва ҳаракат бирлиги.
49. Материя тушунчаси ва унинг функциялари
50. Материя ҳаракат шакллариининг сифат хусусияти ва ўзаро алоқаси.
51. Мах психофизикаси.
52. Метод, методология ва методика тушунчалари. Методларнинг таснифи
53. Асосий методологик тамойиллар.
54. Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни.
55. Мифология энг қадимги маданият шакли.
56. Муаммонинг юзага келиши ҳақида Мах таълимоти.
57. Мумтоз фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
58. Новацияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Новация янги илмий ғоядаги «эскилик» элементи.
59. Ноосфера – инсоният геологик куч сифатида.
60. Диалектиканинг тарихий шакллари
61. Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикаси.
62. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Ер тарихи.
63. Олимнинг меҳнати ва консенсус, яъни мурасага келиш муаммоси.
64. Олимнинг тадқиқот объекти яхлит ва тўлақонли эканлигига ишончи.
65. Онгнинг структураси ва функциялари.
66. Онтология. Борлиқ ва соф борлиқ ғоясининг таҳлили.
67. Парадигма ва унинг структураси.
68. Постноклассик методологияда бифуркация, флуктуация, тартибсизлик, диссипация, ғалати аттракторлар, чизиксизлик сингари тушунчалар.

69. Постноклассик фаннинг шаклланиши.
70. Релятивистик космологияда оламнинг чексизлиги муаммоси.
71. Сабаб ва оқибат ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа.
72. Ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари
73. Синергетика, бифуркация, флуктация, хаос, диссипация, ночизиқлик тушунчаларининг таҳлили
74. Сифат, миқдор, меъёр, хосса, сакраш категорияларининг таснифи.
75. Субстанция ва субстрат тушунчаси.
76. Субстанцияга оид қарашларнинг таснифи.
77. Табиат тушунчасининг кенг, тор ва махсус маънолари.
78. Тафаккур унинг моҳияти ва шакллари
79. Тил билишнинг нейтрал воситаси сифатида.
80. Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши.
81. Тушуниш ва тушунтиришнинг мутаносиблиги.
82. Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро муносабати.
83. Тушунишда символнинг ўрни.
84. Ф.Бэкон ва Т.Гобснинг фалсафий қарашлари.
85. Р.Декарт ва . Б.Спиноза таълимоти. Г.Лейбниц монадалар ҳақида.
86. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи.
87. Фан тарихига оид қарашлар таснифи: Презентизим ва антикваризм, экстернализм ва интернализм, сциентизм ва антисциентизм.
88. Фалсафа категорияларининг таснифи.
89. Фалсафа қонунларининг асосий шакллари.
90. Фалсафа маданиятлар тизимида. (фан, санъат, маданият, дин)
91. Фалсафа пайдо бўлишининг мифологен, гносеологен, гносеомифологик концепциялари.
92. Фан билишнинг махсус шакли. Фан тараққиётнинг асосий босқичлари
93. Фан фалсафасининг предмети
94. Фан тарихи тараққиётининг асосий моделлари.
95. Фанларнинг дифференциация ва интеграцияси.
96. Фаннинг ижтимоий маданий мўлжаллари.
97. Фундаментал тадқиқотларнинг асосий турлари.
98. Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати.
99. Ҳаракат тушунчаси.
100. Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари: сезги ва идрок, хотира, хаёл ва тасаввур.
101. Ҳодисанинг атрибутлари: нарса ва жараён.
102. Ҳозирги замон олимнинг портрети.
103. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция.
104. Эвристика ва унинг асосий моделлари
105. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси.
106. Мазмун ва шакл диалектикаси
107. Моҳият ва ҳодиса диалектикаси
108. Бутун ва қисм диалектикаси
109. Эмпирик билиш даражалари
110. Фан фалсафаси ривожланишининг биринчи босқичи
111. Фан фалсафаси ривожланишининг иккинчи босқичи
112. Фан фалсафаси ривожланишининг учинчи босқичи
113. Эволюцион эпистемологиянинг ўзига хос хусусиятлари
114. Эпистемология, гносеология ва методологиянинг уйғунлиги
115. Ахборот, билим, маълумот тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи
116. Ахборотлашган жамият тушунчаси ва таснифи
117. Информатика ва информатизация тушунчаси

118. Тушунтиришнинг таснифи: дедуктив номологик, интенционал ва телеологик тушунтириш
119. Инкорни инкор қонуни ва унинг категориялари
120. Имконият ва воқелик категорияларининг диалектикаси
121. Муаммо ва муаммоли вазият тушунчаси
122. Далил ва унинг таснифи
123. Марказий Осиё мутафаккирларининг билишга оид қарашлари
124. Марказий Осиё мутафаккирларининг борлиқ муаммосига оид қарашлари
125. Марказий Осиё мутафаккирларининг ҳақиқатга оид қарашлари
126. Марказий Осиё мутафаккирларининг табиатга оид қарашлари
127. Мантиқ илми предмети ва аҳамияти.
128. Тилнинг мантиқий таҳлили
129. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари)
130. Тушунча - тафаккур шакли сифатида
131. Ҳукм, савол, норма
132. Дедуктив хулоса чиқариш
133. Индуктив хулоса чиқариш
134. Аналогия
135. Далиллашнинг мантиқий асослари
136. Билимларнинг мантиқий шакллари: муаммо, фараз, назария.
137. Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши.
138. Ўрта асрларда мантиқ илми.
139. Янги даврда мантиқ илми тараққиётининг асосий йўналишлари.
140. Туркумлаш.
141. Савол ва жавоб-мулоҳазаларни ҳосил қилиш воситалари.
142. Мураккаб ҳукмлар ёрдамида силлогистик хулоса чиқариш.
143. Танқид ва рад этиш.
144. Баҳс юритишнинг мантиқий асослари.